




14 июль Францияда миллий байрам куни сифатида нишонланади. Бу сана тарихга Бастилия камокхонасининг ишгол этилиши сифатида кирган ва Францияда миллий байрам куни деб эълон килинган.

Айрим тарихчилар ушбу санани Буюк француз инкилобининг бошланиши деб эътироф этган. Ушбу сана муносабати билан француз инкилоби қандай натижаларга олиб келгани, жаҳон тарихига қандай таъсир қилгани ҳақида «Дарё» колумнисти Жаҳонгир Остонов сўз юритади.

Инкилобдан олдин

Инкилоб арафасида Франция аҳолиси 26 миллионга яқин эди. Аҳоли уч қисмга бўлинганди: рухонийлар, зодагонлар ва паст табака (tiers état). Аҳолининг энг кўп қисмини ташкил қиладиган паст табака асосий солиқларни тўлаб юрган бир пайтда қолган икки табака вакиллари жуда кўп имтиёзларга эга ҳамда солиқ тўламасдан яшаб келарди.

Паст табака вакиллари мамлакат хаётида ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга эмас эди. Бу даврга келиб Франция иктисодиёти чуқур инкироз ёқасига келиб қолган, мамлакат хазинаси Франция Америкадаги озодлик урушида иштирок этиши туфайли бўшаб қолган эди. Ана шундай шароитда қирол Луи XVI солиқларни кўтаришга қарор қилди.

Инкилобнинг бошланиши

Бунинг учун 1789 йил 5 май куни Генерал штатларни чақирди. Генерал штатлар аҳолининг уч табақаси вакиллари йўзида жамлаган парламентга ўхшаган катта мажлис эди.

Мақсад солиқни кўтариш эди. Асосий солиқ тўловчи бўлмиш учинчи катлам бунга норозилик билдирди ва Миллий ассамблея ташкил этди. «Озодлик, тенглик, биродарлик» шиори остида кўчага чиққан халқ 14 июль куни кўзғолон кўтарди ва Франциядаги мутлақ монархия рамзи бўлмиш Бастилия қалъасини ишғол этди.

Бу қиролнинг чекланмаган ҳокимияти поёнига етаетгани нишонаси эди. Шу пайтгача ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган учинчи катлам инкилобнинг асосий қучига айланди.

1789 йилнинг 4 август куни феодал тузум ва устунлиқлар бекор қилинди. Қирол чекланмаган ҳокимиятдан маҳрум бўлди, зодагонларнинг устунлиқлари бекор қилинди. 26 август куни эса Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси эълон қилинди. Ушбу ҳужжатда барча инсонлар тенг ҳуқуқли ва эркин деб эълон қилинди.

Шунга қарамай, қирол дарҳол сиёсий сахнадан четлатилмади. Унда факатгина ижро этувчи ҳокимият сакланиб қолди. Мамлакат энди конституцион монархияга айланди. Бироқ бу монархия ҳам узок яшамади.

Орадан кўп вақт ўтмай, қирол қўшни қиролликлардан бошпана излаб, мамлакатни тарқ этмокчи бўлди. Аммо у соткин деб эълон қилинди ва Варен шаҳрида ушланиб, 1793 йилда гильотинада қатл этилди.

Биринчи республика

Қирол қатл этилишидан олдин, 1792 йилнинг сентябрь ойида Франция тарихда илк бор республика деб эълон қилинди. Республиканинг энг кўзга кўринган аълоби, шубҳасиз, Максимилиан Робеспьер эди.

Робеспьер хукмронлиги йиллари Франция тарихига «катта террор» номи билан кирган. Бунинг сабаби, у ракибларига нисбатан аёвсиз муносабатда бўлгандир. Аммо унинг ўзи ҳам 1794 йил 28 июль куни Парижнинг Инкилоб майдонида гильотинада катл этилди.

Республика ёш эди. Хали монархистлар ҳукумат учун даъволаридан воз кечмаган эди. Республика уларга карши курашишига тўғри келди. Бундай курашларда ўзини кўрсатган ёш генерал Наполеон Бонапарт 1799 йил 9 ноябрь куни давлат тўнтаришини амалга ошириб, ҳокимиятни кўлга олди.

Шу билан тарихга Буюк француз инкилоби номи билан кирган инкилоб нихоясига етди. 1804 йилда Париждаги Нотр Дам де Париж ибодатхонасида Наполеон ўзини император деб эълон килди. Республика ўрнини империяга бўшатиб берди. Франция тарихида янги давр бошланди.

Иккинчи ва Учинчи республика

Ўзини император деб эълон килган Наполеон тез фурсатда истилочилик юришларини бошлади.

Лекин 1812 йилда Бородинодаги маглубиятдан сўнг ўзини қайта ўнглай олмаган Наполеон унга карши бирлашган давлатлар кўшинига каршилиқ кила олмади, натижада аввал Эльба оролига, ундан сўнг Мукаддас Елена оролига сургун килинди ва ўша ерда касалликдан вафот этди.

Тахтга Луи XVIII эга чикиб, монархия қайта тикланганини эълон килди. Ундан сўнг тахтга келган Чарлс X эса халқ томонидан ағдариб ташланди.

Унинг ўрнига 1830 йилда Луи-Филипп тахтга ўтказилди. 1848 йилда Наполеоннинг жияни Луи Наполеон Бонапарт Луи-Филипп ҳокимиятини тугатиб, Иккинчи республика тузилганини эълон килди ва шу республика президенти этиб сайланди.

Аммо кейинчалик у ўзини Наполеон III номи билан император деб эълон килди. 1870 йилги Франция – Пруссия урушидаги маглубиятдан сўнг тахтдан махрум бўлди.

Шу йили Францияда Учинчи республика эълон килинди. Ушбу республика 1940 йилгача мавжуд бўлди. Луи Наполеон Бонапарт эса Франция тарихига Иккинчи республиканинг ягона президенти, умумий овоз бериш йўли билан сайланган илк давлат раҳбари, Франция республикасининг илк президенти, 1852 йил монархия қайта тикланганидан сўнг энг охириги монарх сифатида кирди.

* * *

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, француз инкилоби натижасида Францияда янги бошқарув тизими жорий этилди, жамиятда ижтимоий табакаланиш ва имтиёзларга эга бўлиш тугатилди ҳамда иктисодий ўзгаришлар амалга оширилди. Французлар Италия ва бошқа давлатларга харбий куч билан кириб, у ерларда ҳам янги тузум жорий этди. Бу бутун Европани, Европа оркали бутун дунёни ўзгартирди.

Янги бошқарув тизими ва ижтимоий табакаланиш хакида юкорида фикр юритган эдик. Иктисодий ўзгаришлар Наполеон I томонидан амалга оширилди. У Францияда франк жерминал деб номланган янги пул жорий этди. Ушбу пулни киритиш билан бир пайтда янги огирлик ва бошқа ўлчов бирликлари ҳам яратилди. Бу эса савдо жараёни осонлашишига олиб келди.

Бу ўзгаришлар Франция иктисодиётининг бирлашишига туртки берди. Ҳукуматнинг иктисодий позицияси ҳам олдингига нисбатан анча либераллашди: савдо ташкилотлари кўпроқ эркинларга эга бўлди.

Инкилоб нафакат Франция ҳаётига, балки кейинчалик бошқа давлатлар ҳаётига ҳам таъсирини кўрсатди. Россия, Усмонли салтанати, Эрон ҳамда Европанинг бошқа давлатларида узок йиллар француз модаси ҳукм сурди. Бунинг натижасида бугун бутун дунёда метр, килограмм сингари бирликларидан фойдаланилади, дунё давлатларининг кўпчилиги республика тузумига эга, шунингдек, жаҳон тилларида кўплаб французча сўз ва атамалар мавжуд.

Дарвоқе, Усмонли салтанатини кулатган Ёш турклар ҳаракати фаоллари ҳам ўз гоёларини айнан француз инкилоби таъсирида шакллантирган эди. Улардан эса Россиядаги жаҳидчилик ҳаракати таъсирланган.

[Манба](#)